



100084, Toshkent shahri, Yunusobod tumani,
Kichik xalqa yo`li – 4.
Tel.: 239-16-85
Faks: 150-62-99

100084, город Ташкент, Юнусабадский
район, Кичик халка йули – 4.
Тел.: 239-16-85
Факс: 150-62-99

ПРЕСС-РЕЛИЗ

15 август 2016 йил

Тошкент шаҳри

Жорий йилининг 15 август куни Фавқулодда вазиятлар вазирлигининг катта мажлислар залида яқинлашиб келаётган мустақиллигимизнинг 25 йиллиги муносабати билан “Ким эдигу, ким бўлдик” мавзусида давра суҳбати ўтказилди.

Тадбирда Ўзбекистон Республикаси Фавқулодда вазиятлар ваирлиги марказий аппарати, Тошкент шаҳар ва Тошкент вилоят фавқулодда вазиятлар бошқармалари, Фуқаро муҳофазаси институти, Тез ҳаракат қилиш республика кўп тармоқли маркази, Марказий база шахсий таркиби, шунингдек, Ўзбекистонда хизмат кўрсатган санъат арбоблари иштрок этдилар.

Хусусан:

Хозирги кунда Ўзбек Миллий академик драма театрига раҳбарлик қилиб келаётган Ўзбекистонда хизмат кўрсатган артист Фатхулла Маъсудов;

Ўзбек Миллий академик драма театри актрисаси Ўзбекистонда хизмат кўрсатган артист Лола Элтоева;

Ўзбек Миллий академик драма театри актрисаси Ўзбекистонда хизмат кўрсатган артист Сайёра Юнусова;

Муқимий номидаги Ўзбек Давлат мусиқали театри раҳбари Ўзбекистон халқ артисти Мирза Азизов ва бошқа атоқли санъаткорлар Фавқулодда вазиятлар вазирлигига таклиф этилдилар.

Дарҳақиқат, истиқлодан сўнг юртимиз ҳаётида, жамиятимизнинг барча жабхаларида муҳим янгиланишлар, туб бурилишлар рўй берди. Осмонўпар бинолар, замонавий иншоолар, истироҳат боғлари ва дам олиш масканлари бунёд

этилиб, аҳоли турмуши тарзи тубдан яхшиланди. Бугун юртимизда фаолият юритаётган, жаҳон шоҳсупасида ўзининг муносиб мавқеъини белгилаб олган сон саноқсиз ишлаб чиқариш корхоналарининг хавфсиз фаолият юритиши ҳамда фуқароларимизнинг муҳофазаси ва фаровон турмушини таъминлаш мақсадида ташкил этилган Фавқулодда вазиятлар вазирлиги зиммасига шарафли мақсад ҳамда масъулиятли вазифалари юклатиди.

Истиқлол йилларида мамлакатимиз аҳолисини ва ҳудудларини табиий ҳамда техноген хусусиятли фавқулодда вазиятлардан муҳофаза қилишга йўналтирилган Фавқулодда вазиятлар вазирлиги тизими буткул янгилашиб, босқичма-босқич такомиллаштирилди. Фуқаро муҳофазаси соҳасидаги Ўзбекистон тажрибаси халқаро ва хорижий экспертлар томонидан эътироф этилаётгани замирида чуқур ўйланган ислохотлар, тизим моддий-техник таъминотини замонавий илм-фан ютуқларига ҳамоҳанг равишда ривожлантиришга, пировардида аҳоли ҳаёти ва саломатлигини асрашга берилаётган юксак эътибор ва ғамхўрлик мужассамдир.

Ўтган йигирма йил мобайнида Фавқулодда вазиятлар вазирлиги томонидан аҳоли ҳаёти ва саломатлигини муҳофаза қилиш самарадорлигини ошириш, фавқулодда вазиятларни олдини олиш, уларнинг оқибатларини бартараф этиш борасида давлат сиёсатини ҳаётга татбиқ этиш, фуқаро муҳофазасига раҳбарлик қилиш, вазирликлар, идоралар, маҳаллий давлат органларининг мазкур йўналишдаги фаолиятини мувофиқлаштириб бориш сингари аниқ, кенг кўламли вазифалар изчил рўёбга чиқарилди.

Хусусан, вазирлик ва у билан бевосита ҳамкорликда ишлайдиган, ўз ичига 40 дан ортиқ вазирлик ва идораларни қамраб олган ягона тизим – Фавқулодда вазиятларда уларнинг олдини олиш ва ҳаракат қилиш давлат тизими шаклланди, ижтимоий-ҳуқуқий, моддий-техник асослари такомиллаштирилди ва мустаҳкамланди.

Таъкидлаш ўринлики, аҳоли муҳофазасини кафолатловчи мустаҳкам ҳуқуқий база шакллантирилгани мазкур йўналишнинг самарали фаолият олиб боришига замин яратаяпти. Хусусан, амалиётга татбиқ этилган Ўзбекистон Республикасининг "Аҳолини ва ҳудудларни табиий ва техноген хусусиятли

фавкулудда вазиятлардан муҳофаза қилиш тўғрисида", "Фуқаро муҳофазаси тўғрисида", "Қутқарув хизмати ва қутқарувчи мақоми тўғрисида"ги қонунлар ва бошқа норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар соҳа ривожининг асоси бўлмоқда.

Дарвоқе, қисқа давр ичида юртимиз ва минтақаларимиз даражасида ташкил этилган ҳаракатчан авария-қутқарув, сувда-қутқарув, радиацион-кимёвий ва биологик муҳофаза гуруҳлари барча турдаги хавфли табиий ҳодисалар ҳамда техноген ҳалокатлар, жумладан, трансчегаравий кўринишдаги фавкулудда вазиятларга қарши чора-тадбирларни тезкор ва ўз вақтида амалга ошириши учун энг илғор қутқарув ускуналари, махсус транспорт ва техникалар билан таъминланди.

Ўтган даврда авария-қутқарув отрядлари томонидан аҳолига ёрдам кўрсатиш бўйича ўн мингдан ортиқ чиқишлар амалга оширилиб, мингдан зиёд фуқаролар ҳаёти ва соғлиғига хавф солган таҳдидлар бартараф этилди

Охирги 5 йил давомида ФВДТ худудий ва функционал қуйи тизимлари бошқарув органлари, фуқаро муҳофазаси куч воситаларининг тайёргарлигини ошириш мақсадида, республика вилоятларида жами **177 та** кўмондонлик-штаб ўқув машқлари ва иқтисодиёт объектларида жами **3219 та** махсус-тактик ўқув машқлари ўтказилиб, асосий эътибор ўқув машқларининг ўтказилиш сифати ва раҳбар ходимларнинг кўникмаларини такомиллаштиришга қаратилди.

Мустақиллик йилларида тизим фаолиятини тубдан яхшилаш, такомиллаштириш борасида амалга оширилган ишлар, ўзгаришлару янгиланишларнинг поёнига етиш мушкул. Уларни тарифлаган сари саҳифа сатрлари ортаверади. Зеро, истиклол мисли кўрилмас орзулар рўёбини тақдим этибгина қолмай, жаҳон шоҳсупасида давлатимизнинг муносиб ўрнини белгилаб олиш имкониятини яратди. Бугун навқиронлик ва шижоат билан бўй чўзаётган мустақил Ватанимиз ўз салоҳияти, куч қудрати билан илғор одимлаб бормоқда. Фавкулудда вазиятлар вазирлиги тизимига берилган юксак эътибор туфайли соҳа вакиллари юртимиз равнақига ўзларининг муносиб ҳиссасини қўшмоқда десак муболаға бўлмайди.